

## **КИМЁ - ҲАЙРАТЛИ ДУНЁ**

**2-ВИДУМИНИНГ 10 “В” СИНФИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ОЗОДБЕК МЕЛИҚЎЗИЕВ ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ҲИНДИСТОННИНГ “ШАРДА” УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАСИ БҮЛДИ. ҚАНДАЙ ДЕЙСИЗМИ?**

Ўтган 2020 йилнинг февраль ойида университет ташкил этган кимё бўйича олимпиадада иштирок этган Озодбек муддатидан аввал талаба бўлиш баҳтига эришган. У барча масалаларни тўғри ечиб, юз фоизлик грант асосида ўқиш сертификатини қўлга киритган эди. Озодбек бу ютуғи билан чекланиб қолаётгани йўқ. Яқинда кимё фани бўйича ўтказилган фан олимпиадасининг вилоят босқичида иштирок этиб, кучлилар сафида эътироф этилди. “Келажакда тиш шифокори касбини эгаллаб, инсонларга чиройли табассум ҳадя этиш энг катта орзуим”, дейди Озодбек. Унинг синфдоши Охунжон Дехқоновнинг ютуқлари ҳам мақтовга сазовор. Охунжон кимё бўйича ўтган фан олимпиадасининг вилоят босқичида 2-ўринни қўлга киритди. Икки синфдош энди халқаро Менделеев олимпиадасининг саралаш босқичида иштирок этади. -Мактабимизда энг яхши кимё фани ўқитувчилари меҳнат қиласди, - дейди Озодбек Мелиқўзиев. - Устозимиз Бобурмирзо Қурбонов 7-синфдан бўён бизга кимё сирларини ўргатиб келмоқда. Ўқитувчимиз дарслидан ташқари қўшимча адабиётлар билан ишлашни, масалалар ечишни, турли кимёвий тажрибаларни хавфсиз ва самарали ўтказишни ўргатмоқда. Ўқитувчимизнинг фидойилиги, ўз касбига садоқати ва муҳаббати сабабли биз кимё фанига меҳр кўйдик. - Келажакда пластик жарроҳ бўлмоқчиман, - дейди Охунжон. -Шунинг учун кимё фанини қунт ва чидам билан ўрганяпман. Бизга устозимиз Бобурмирзо Қурбоновдан ташқари мактабда барча ўқитувчилар сидқидилдан таълим бермоқда. Айниқса, синф раҳбаримиз Зарифаҳон Исматуллаева ҳам бизга ўз маслаҳатлари, йўл-йўриқларини бериб, ҳаётга тайёрламоқда. Охунжон ва Озодбек билан суҳбатлашиб, ўсмирларнинг орзу-умидларига қанот бўлаётган ўқитувчиларнинг фидойилигига яна бир бор тан бердик. Шарифа МАДРАҲИМОВА, “Бувайда кўзгуси” мухбири.

2021-02-12 13:34:24